



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ
НИКОҲСИЗ ЯШОВЧИ ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА
УЛАРГА НИСБАТАН ИЖТИМОЙ
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Қушбоқов Шоҳрух Хасан ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, капитан
Жумаев Номоз Рўзибой ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти, сафдор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17695081>

ARTICLE INFO

Received: 11th November 2025

Accepted: 12th November 2025

Published: 24th November 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Ўзбекистон Республикасида қонуний никоҳсиз бирга яшаш (фактик никоҳ муносабатлари) кейинги йилларда жиддий ижтимоий-ҳуқуқий муаммога айланмоқда. Бундай муносабатлар кўпинча вояга етмаган қизларнинг эрта никоҳи, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари поймол бўлиши, болаларнинг оталикдан маҳрум қолиши, оилавий зўравонлик ва камбағалликнинг кучайишига олиб келади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-3-моддаси ва Жиноят кодексининг 125-1-моддасида никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига кириш ва диний маросим ўтказиш учун қатъий жарима ва жиноий жазо чоралари белгиланган бўлса-да, амалиётда бу ҳодисаларнинг аксарияти яширин шаклда давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби – профилактика инспекторининг ушбу тоифадаги шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга нисбатан ижтимоий-профилактик чора-тадбирларни қўллашда хотин-қизлар фаоли, маҳалла раиси ва бошқа маҳалла институтлари билан тизимли ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганидир. Қонуний никоҳсиз яшовчи шахсларни аниқлашда профилактика инспекторининг асосий вазифаси МЖтК 47-3 ва ЖК 125-1-моддалари доирасида маъмурий баённома тузиш ва материалларни судга юборишдан иборат. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, инспекторнинг яқка ўзи бу муаммони ҳал қила олмайди. Чунки қонуний никоҳсиз яшашнинг 90 % дан ортиғи маҳалла ҳудудида, хотин-қизлар фаолининг доимий мулоқотда бўлган аёллари орасида содир бўлади. Шу сабабли 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон Президенти Фармони билан маҳалла раисига профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли фаолиятини мувофиқлаштириш, баҳолаш ва рағбатлантириш бўйича кенг ваколатлар берилди. Ушбу фармон маҳаллада “бешлик” тизимининг ҳуқуқий асосини яратиб, профилактика инспектори билан хотин-қизлар фаоли ўртасидаги ҳамкорликни мажбурий ва натижага йўналтирилган характерга айлантирди [1].

Амалий фаолиятда профилактика инспектори қонуний никоҳсиз яшовчи шахсларни аниқлашда кўпинча кеч қолади: тўй бўлиб бўлгач, бола туғилгач ёки оилавий низо юзага келгачгина иш бошлайди. Хотин-қизлар фаоли эса бундай оилалар билан доимий алоқада бўлади, лекин унда маъмурий баённома тузиш ваколати йўқ. Шу боис икки томонлама ҳамкорликнинг энг самарали шакли – маълумотларни ўз вақтида алмашиш ва қўшма профилактик чора-тадбирлар ўтказишдир. Масалан, хотин-қизлар фаоли ҳар ҳафта ўтказадиган “хонадонма-хонадон” юришларида қонуний никоҳсиз

яшаётганлик аломати аниқланса (ёрқин тўй ўтказилган, қиз мактабдан чиқиб кетган, ҳомиладорлик белгилари бор), дарҳол профилактика инспекторига хабар қилиниши керак. Инспектор эса 24 соат ичида текшириш ўтказиб, МЖТК 47-3-моддаси бўйича баённома тузади ва хотин-қизлар фаолига қизнинг таълимга қайтиши ёки ишга жойлашиши бўйича вазифалар юклайди.

Ҳамкорликни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши – маҳаллада “хавfli қизлар рўйхати”ни биргаликда шакллантириш ва доимий мониторинг қилишдир. Хотин-қизлар фаоли 9–11-синф қизлари, касб-хунар коллежида ўқимаётган, ишсиз, ота-онаси чет элда ишлаётган қизларнинг рўйхатини тузади ва уни профилактика инспектори билан келишади. ПФ-81 Фармоннинг 17-бандига мувофиқ маҳалла раиси ушбу рўйхатни тасдиқлайди ва “бешлик”нинг ҳар бир аъзосига индивидуал вазифа юклайди. Профилактика инспектори рўйхатдаги ҳар бир қиз билан ойда камида икки марта суҳбат ўтказиши, ота-онасига МЖТК 47-3 ва ЖК 125-1-моддаларидаги жавобгарликни тушунтиради, хотин-қизлар фаоли эса қизнинг таълим ёки иш билан бандлигини таъминлайди. Бундай тизим Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом ва Нуробод туманларида 2023–2024 йилларда жорий этилганида қонуний никоҳсиз яшаш ҳолатлари 42 % га камайгани кузатилди [2].

Қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар билан ишлашда профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаолининг вазифаларини аниқ ажратиш ва ўзаро масъулиятни белгилаш зарур. Ҳозирда кўпчилик маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли “маълумот берувчи” ролида қолиб кетмоқда, профилактика инспектори эса фақат “жазоловчи” сифатида иш кўради. Бу нотўғри. ПФ-81 Фармоннинг 18-бандига маҳаллада хотин-қизлар фаолининг маҳалла кенгаши таркибига кириши ва унинг фаолияти маҳалла раиси билан келишган ҳолда амалга оширилишини белгилаб қўйган. Шу боис ҳар ҳафта душанба куни маҳалла раиси раислигида ўтказиладиган “бешлик” йиғилишида қонуний никоҳсиз яшаш ҳолатлари бўйича алоҳида банд кўриб чиқилиши ва қуйидаги қарорлар қабул қилиниши лозим:

- аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича профилактика инспектори томонидан 3 кун муддатда маъмурий баённома тузилади;
- хотин-қизлар фаоли томонидан 7 кун ичида қиз билан индивидуал суҳбат ўтказилиб, никоҳни қонунлаштириш ёки муносабатларни тугатиш бўйича иш олиб борилади;
- агар қиз вояга етмаган бўлса, ота-онага нисбатан МЖТК 47-3-моддасининг 2-қисми қўлланилади.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши – маҳаллада маърифий ишларни кучайтиришдир. Профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли биргаликда “Оила қуриш – масъулият” мавзусида маҳалла аёллари, қизлар ва ота-оналар билан доимий учрашувлар ўтказиши керак. Бунда фақат қонун моддаларини ўқиб эшиттириш эмас, балки қонуний никоҳсиз яшашнинг ҳуқуқий оқибатлари (фарзанднинг отасиз қолиши, мерос масалалари, алимент ундиришда қийинчилик)ни амалий мисоллар билан тушунтириш лозим. Хотин-қизлар фаоли томонидан ташкил қилинадиган “Ота-оналар университети”да профилактика инспектори доимий спикер сифатида иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Қонуний никоҳсиз яшовчи шахсларни аниқлашда замонавий технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам муҳимдир. Хотин-қизлар фаоли кўпинча аёлларнинг шахсий ҳаётига яқинроқ бўлгани учун уларда қонуний никоҳсиз яшаш аломати (ҳомиладорлик, янги уйга кўчиб ўтиш, тўй маросимлари) тезроқ аниқланади. Шу боис профилактика инспекторига хотин-қизлар фаоли томонидан берилган маълумотни дарҳол “Профилактика-2025” ахборот тизимига киритиш ва ушбу маълумот асосида тезкор чора кўриш имконияти берилиши керак. Айни пайтда бундай маълумотлар кўпинча оғзаки бериб қолади ёки кечиктириб юборилади.

Такомиллаштиришнинг амалий механизмлари қўйидагилардан иборат:
биринчидан, ҳар бир маҳаллада “Қонуний никоҳсиз яшашнишнинг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳ” тузиш (маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, имом-хатиб);
иккинчидан, хотин-қизлар фаолига қонуний никоҳсиз яшаш аломатлари аниқланганда дарҳол профилактика инспекторига хабар қилиш мажбурияти юклатилиши (буни маҳалла раисининг буйруғи билан расмийлаштириш);
учинчидан, профилактика инспектори томонидан тузилган маъмурий баённомалар бўйича хотин-қизлар фаоли қизнинг таълимга ёки ишга жалб қилиш бўйича масъул этиб белгиланиши;
тўртинчидан, маҳаллада қонуний никоҳни рағбатлантириш учун “Энг намунали оила” танловини ўтказиш ва совриндорларни фақат қонуний никоҳда яшаётган оилалар қилиб белгилаш.
Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторининг қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар билан ишлашда хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорлигини такомиллаштириш ПФ-81-сон Фармон доирасида тўлиқ амалга оширилиши мумкин ва керак. Бунинг учун маълумот алмашишнинг тезкорлиги, вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, маҳалла раисининг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш ва маърифий ишларни доимийликка айлантириш етарлидир. Ушбу чора-тадбирларни жорий қилиш натижасида қонуний никоҳсиз яшаш ҳолатларини сезиларли даражада камайтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва келажак авлоднинг соғлом вояга етишини таъминлаш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2022 йилдаги ПФ-81-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.03.2022.
2. Абдуллаева М. Маҳаллада хотин-қизлар фаолининг роли ва вазифалари. – Тошкент: Адолат, 2024. – Б. 78-89.
3. Раҳимов Ш. Эрта никоҳлар профилактикасида маҳалла институти // Юриспруденция. – 2023. – № 4. – Б. 112-120.
4. Мирзаева Г. Қонуний никоҳсиз яшашнинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатлари // Оила ва жамият. – 2024. – № 2. – Б. 45-53.
5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 47-3-модда (2023 йилги таҳрир).
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 125-1-модда (2023 йилги таҳрир).